

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҰМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учкуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 22 (65849)
1995 йил, 20 июнь; сешанба

Сотувда
эркин нархда

Келажак эгалари булган фарзандларнинг саломатлиги, камолоти ҳақида ғамхўрлик ўзбек халқининг азалий одатидир. Диёримиз номини дунёга таратган алломаларимизнинг кўна тарих олдидаги хизматлари ҳаммага аён. Мустақиллик туфайли сиз, болаларга курсатилётган эътибор янада кучайганидан хабардорсиз.

Мактаб ўқувчиларининг ёзги соғломлаштириш мавсумини муваффақиятли ўтказиш, санитария-эпидемиология хизматини янада яхшилаш, сайёҳликни ривожлантириш масалалари шу куннинг муҳим вазифаларига айланди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий ривожланиш, фан, маданият ва техника мажмуалари, шунингдек туризмни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгашнинг қўшма йиғилиши бўлди. Уни Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи уринбосари Исмоил Журабеков бошқарди.

Йиғилишда амалга оширилатган ишлар билан бир қаторда болаларни соғломлаштириш мавсумига тайёргарликда муайян камчиликларга йўл қўйилгани ҳам таъкидлаб утилди. Масалан, утган йили ёзги мавсум охирида купгина ўқувчилар оромгоҳлари ҳувиллаб қолди. Хусусан, Қорақалпоғистонда мавсум бошида 20 та оромгоҳ иш бошлаган бўлса, ёзнинг охирига келиб улардан атиги 8 таси фаолият курсатди. Қолганларида болалар дам олишни истамадилар.

Бу йил мамлакатимиздаги соғломлаштириш, меҳнат

роҳат, спорт масканларида, мактаблар қошидаги оромгоҳларда 400 мингдан зиёд бола дам олиши кўзда тутилган. Улар 5 июнгача тула таъмирланиб, моддий-техника жиҳозлари, дори-дармонлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши керак эди. Лекин текширишларга қараганда, ҳамма жойда ҳам иш қўрилмайдиган эмас экан. Айрим жойларда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмаган, шу боис биринчи сменага болаларни қабул қилиш етарли даражада бўлмаган.

Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларининг сони утган йилдагига нисбатан камлиги ҳам ачинарли ҳолдир. Йиғилишда жойларда комиссиялар тузилиб, болалар оромгоҳлари ишларини тез

да яхшилаш ҳақида фикрлашиб олинди. Эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларини бепул йўлланмалар билан таъминлаш зарурлиги курсатиб утилди. Ахир, шу эмасми, болалар ҳақида катта ғамхўрлик?! Болалар туғрисида ғамхўрлик қилиш эса, Ватан келажаги туғрисида қайғуриш демақдир.

Шунингдек, ЎзА хабарига қараганда, йиғилишда мактабларни янги ўқув йилига ва қишга тайёрлаш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинган. Жойлардаги раҳбарларга мактабларни таъмирлаш, янги бинолар қуриш ишига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги айтиб утилган.

Сиз, азиз болалар, шу катта ғамхўрликка муносиб фарзанд бўлиш учун Ватанимизнинг ҳақиқий фидойилари бўлишга ҳаракат қилинг.

КАТТА ҒАМХЎРЛИК



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Президент Ислам Каримовнинг қатлиғи биноан Украина Президенти Леонид Кучма икки кунлик расмий ташриф билан бугун Ўзбекистонга келади. Бу ташриф икки мамлакат ўртасидаги кўп йиллик тарихга эга бўлган ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япониянинг хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси президенти Акира Нишигаки бошчилигидаги делегация аъзоларини, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Хироши Накажимани қабул қилиб, улар билан томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан суҳбатлашди.

Навоий вилояти мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятида муҳим ўрин тутганини биласиз. Бу ердаги саноат корхоналари, табиий бойликларга эга бўлган она замин, меҳнатсевар халқ вилоят истиқболини янада ойдинлаштиришда катта омил ҳисобланади. 14 июнь кuni юртбошимиз шу вилоятда бўлиб амалга оширилатган ишлар билан танишди. Учқудуқ шаҳридаги 3-гидрометаллургия заводининг биринчи навбати очилишига бағишланган тантаналарда нутқ сўзлади.

Бундан бир кун илгари эса, юртбошимиз Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида бўлиб, бу ердаги ишлар билан танишди, хонадонларда бўлиб, аҳоли билан суҳбатлашди. Янги қурилатган замонавий уйлардан бирини бориб кўрди.

Республика футбол федерациясида журналистлар билан учрашув бўлди. Унда 1996 йил Атланта (АҚШ)да ўтказиладиган олимпиадага тайёргарлик қандай бораётгани ҳақида гап борди.

Каттақўрғон шаҳрида «Ўқитувчи-95» кўрик-танлови бўлиб ўтди. 16-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Дилбар Бобомуродова биринчи, 8-мактабнинг инглиз тили муаллими Карима Раҳмонбердиева иккинчи ва 4-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Шаҳодат Ҳақимова учинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, Жиззахда ҳунар-техника билим юртлари ўртасида «Энг яхши мутахассис» кўрик-танлови бўлди. Бунда биринчи ўрин 19-хунар-техника билим юрти талабалари М. Аҳмедова, Н. Низомовага насиб этди. Ҳаллаоролдаги 5-хунар-техника билим юртининг ўқувчилари Д. Нормуродова, Н. Соатова, Н. Равшановлар кейинги ўринларни эгалладди.



ХАЙР БОҒЧА, АССАЛОМ МАКТАБ!

— Қани, айтингчи, болалар, мактаб сўзи нечта ҳарфдан иборат?

— Олти ҳарфдан иборат. Удир билим манбаи, билсангиз, ҳазина калити ундадир.

— Сен не дейсан, Дилфуза, «Ватан», «она» сўзи англатар қандай маъно?..

Катталарнинг саволларига бийрон-бийрон жавоб бераёт-

ган бу жажжилар Тошкентдаги 120-болалар боғчасининг мактабга тайёрлов гуруҳи аъзоларидир. Яқинда уларнинг боғча билан хайрлашув эрталиги бўлиб ўтди. Болалар эрталикка тарбиячилари Вазира опа Фозилова раҳбарлигида катта тайёргарлик кўришди. Ўзига хос тантанага айланган тадбирда кичкинтойлар она, Ватан, мактаб ҳақидаги қўшиқлар, куйлар иж-

ро этишди. Ўрганган ҳарфларидан турли сўзлар тузишди. Бундан боғча тарбияланувчилари келгусида аъло баҳоларда ўқиш учун тайёр эканликлари маълум бўлди.

Суратларда: байрамдан лавҳалар, тарбиячи Вазира опа кичкинтойларни ўқувчилар сумкаси билан таништирамоқда.

Сураткаш: Р. АЛЬБЕКОВ.

Сурхон болалари: «Илмсиэлар бир яшар,



**ТА
Ъ
ТИ
Л
ДА
Х
А
М
Г
А
В
Ж
У
М
М
А
К
Т
А
Б**

Ёзги таътил аллақачон бошланган бўлса-да, ҳануз болалар билан гавжум бўлган мактаб музейига кириб борар эканман, ёндаги сатрлар тезгина ҳаёлимдан ўтди. Бу ҳақда мен «Сариосиё ҳақиқати» газетаси муҳаррири Нарзулло Ҳолиқовдан эшитган эдим.

Музей Сариосиё туманидаги «Дашнобод» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Саидмурод Курбонов номи билан аталувчи 20-мактабда ташкил этилган.

— «Дашнобод»имизнинг собиқ раиси Саидмурод Курбонов ватанпарварлик ва одамийликда ёшларга ибрат бўлса арзийдиган ҳаёт йўлини босиб ўтганлар,— дейди мактаб директори Абдуолим ака Бобониёзов.— Шунинг учун ҳам ўтган йилнинг сентябрида бу инсоннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи каттагина музей ташкил этдик. Унда асосий экспонатлардан ташқари, бобомерос хуналаримиз, қадимий урф-одатларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи бўлимлар ҳам бор. Ана шу боис, болаларимиз таътил бошлангандан буён вақт топди дегунча, шу ерга келишади. Томоша баҳона бу ерда каштачилик, тикувчилик, кулолчилик хуналаридан воқиф бўлишади.

Тарих фани ўқитувчиси, мактаб ташкилотчиси Маҳсуда Бўлатованинг миннатдорчилик сўзлари билим даргоҳи ҳомийси, вино заводи жамоаси ва унинг раҳбари Бўрикул Курбонов шаънига бўлди.

— Болапарвар инсонларга минг раҳмат,— дейди у.— Мактабимизда 737 ўқувчи таълим ва тарбия олади. Ўтган йили сентябрь ойидан бошлаб завод раҳбарияти аълога ўқиётган 27 нафар ўқувчининг ҳар бирига 30 сумдан пул тулаб бермоқда. Бундан ташқари турли-туман спорт, ўқув жихозлари, китоблар сотиб олишда, мактабни таъмирлашда ва бошқа юмушларда яқиндан ёрдам беришмоқда. Бу ғамхўрликларга жавобан ва Саидмурод бобога лойиқ набиралар бўлиш учун ўқувчиларимиз аъло ўқишга, фан олимпиадаларида яхши иштирок этишга ҳаракат қилаяптилар. Бир мисол: 11-синф ўқувчиси Нодира Курбонова ўзбек тили ва адабиёти фанидан ўтказилган олимпиадада областда биринчиликни олиб, диплом ва қимматбаҳо совгалар билан тақдирланди.

Устозлари каломини 6-«В» синф ўқувчиси Бахтиёр Ёров давом эттирди.

— Қадимда оддий лойдан ясалган кўзалар, лаган ва хумлар доимо диққатимни тортиб келарди. Уларга узок тикилар эканман, ўтмишдаги содда ва камтарин, лекин моҳир санъаткор боболар хунарига қойил қоламан. Келажакда албатта шу санъатни эгаллайман деб ният қиламан.

6-«В» синф ўқувчиси Нигора Курбонова тикувчилик ва каштачилик хунарига ниҳоятда қизиқади. Музейга келиб у ерда 10-синф ўқувчилари Гулноз Мусаева, Мафтуна Кўчимова, Латофат Бобониёзовалардан ўз севган касби сирларини ўрганаётгани ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Болалар даврасини тарк этиш олдидан Саидмурод бобо суратига яна кўзим тушди. У мамнун ҳолда: «Фронт ортида фронт учун, Ватан учун халқ билан бирга жон куйдириб қилган меҳнатларим, ҳатто қишда оёқларимни совуққа олдириб, сўнг буткул ногирон бўлиб тортган азобларим зое кетмади. Шукур, Ўзбекистоним мустақил, ўзбек халқим хур, озод яшамоқда. Болаларим, набираларим ҳатто хорижий давлатларда билимлар олиб, голиблик бахтига муяссар бўлди» дегандек бўлди. Мен эса: «Бобожон, сизнинг ҳаётингиз набираларингизга қандай яшаш кераклиги, Ватанни қандай севиш, қандай меҳнат қилиш лозимлигини ўргатиб туражак» дегим келди.



«Фариштамонанд инсон эди Саидмурод ота. Фашистларга қарши урушнинг айни қизиган пайтида ўз бисотидаги биргина от, икки қорамолни сотди. Фронтига самолёт сотиб олиш учун аввалига 88 минг, кейинроқ 18 минг жўнатди. Одамохун раис рўзғоридаги сўнги ёғни ҳам баҳорги экиш ишларини бажараётган ўз тракторчиларига келтириб берган. Колхозчилар туни билан ғўзалар ёнида бўлишлари учун уйдан кўрпа-тўшакларигача ташиб келган. «Уйда ерда ухласа ҳам бўлаверади», деган аёлига.



— Бу ёққа келинлар-а, «Тонг юлдузи»нинг навбатдаги сониди жуда қизиқ мақолалар босилибди, — деди Нодира Курбонова мактабдошларига.

— Шунинг учун қолган ярим йиллик учун ҳам обуна бўлиш ниятидаман, — Нодиранинг фикрини давом эттирди Ҳакима Тўраева.

Шу куни бу ерга йиғилган Дилфуза Бўтаева, Дилшо-да Ҳайитбоева, Нигора Курбонова, Дилдора Бобоназаровалар «Тонг юлдузи»га қолган ярим йил учун обуна бўлишга келишиб олишди.



ҚИШЛОҒИМ

Қишлоғим гўзал,
Сувлари асал.
Сойда болалар,
Яйраб чўмилар,
Оҳ, қандай маза!
Чўмилиб чиқиб,
Қумда ётамиз.
Ёзнинг завқини
Шундай тотамиз.
Оҳ, қандай маза!

САЁҲАТИ

Ёз кунларин бирида
Тоққа қилдим саёҳат.
Қараб қамашади кўз,
Саёҳат — танга роҳат.
Сакраган кийик каби
Тошдан-тошга сакрадим.
Кўм-кўк ўтлар устида
Думаладим, яйрадим.

Азизбек ҲАЙДАРОВ,
Шеробод туманидаги 47-
мактабнинг 8-синф
ўқувчиси.



Суратларда: мактаб ҳаётидан лавҳалар.

Илмилар минг яшар» ~ деб яшарлар



**ГОЛИБ СИНФ
НОХАК ЭМИШ**

— Эшитдингларми, лицейда утказилган «Гуллар баҳси»да голиб булган синф ноҳак эмиш, ҳакамлар куйган баҳоларини қайтариб олишганмиш...

— Вой, нега?

— Гулларнинг бир нечаси ёлгондакам, яъни болаларнинг узлари ясаган экан. Дастлаб ҳакамлар ҳақиқий гулни ясамадан ажрата олмай, 9-синфга голибликни берибди. Мукофотлар тарқатилгач, кимдир уларни «сотибди».

Шарғун лицейи директори Бобораҳим ака Мирзаев ушбу воқеани эслатганимизда жилмайди ва ҳикоя қилди:

Лицей ўқувчилари туғрисида бундай туқима воқеалар тез-тез эшитилиб туради. Чунки улар иқтидорли болалар-да. Булар уларнинг истеъодларига берилган баҳо деб ўйлайман. Уша баҳс шартига кура баҳо гулларнинг турига ва уларга берилган таърифга қараб қуйилган, албатта сони ҳам ҳисобга олинган.

«УЧ» ОЛМАСАМ БАС

— Нима деб пичирляпсан, дустим?

— Ҳеч нима, узим шундай. Умид билан ўқишга кирдим, уч олмасам бас.

— Шунинг учун ҳам фикрни бир жойга тушлаб, чалғимай, фақат ўқиш ҳақида уйлаш лозим.

Бундай савол-жавоблар ўқувчилар уртасида тез-тез булиб туради. Чунки билим даргоҳида дарслар ўзбек ва тожик тилларида олиб борилади. Унга қабул қилиш эса педагогик ва рухий

тестлар асосида булади. Низомга кура уч баҳо олганлар уз мактабларига қайтариб юборилади.

УМИД ВА ТЎЛҚИН

Умид ҳозиргина чизиб тугаллаган суратига сунгги белгини куйди-ю, югуриб хонадан чиқди.

— Юр тезроқ хонага, бир суратга баҳо берасан, — деди у ётоқхона ҳовлисида учраган Тулқинга.

Тулқин дустининг ортидан эргашди. Умид чизган суратни қулига олди. Унда тандирдан нон узаётган аёл ва нонушта қилаётган болалар тасвирланган эди.

— Ойим ёлган ноннинг ҳиди

да унинг қадрига янада купроқ етасан» деди бир дугонаси, «Сен бекорга эмас, Ўзбекистонимиз учун ўқиб келасан» деди иккинчиси.

Бу сузлардан 10-«Б» синф ўқувчиси Фароғат Хурсанованинг кунгли тоғдек кутарилди.

Юқоридаги қисқа воқеаларга айрим қушимчалар қилдимиз. Шарғун шаҳридаги 1-иқтидорли болалар лицейи 1992 йилнинг 1 сентябридан бошлаб фаолият курсатиб келаяпти. Унда вилоятнинг 10 та туманидан, қушни Қашқадарё вилоятининг 2 та туманидан келган болалар таълим-тарбия олишмоқда. Билим даргоҳида 5 нафар олий тоифали,

ШАРҒУН ЛИЦЕЙИ

димоғимга келди, — жилмайди Тулқин ва тезда жиддий тортиди. Болалар чехрасига бир оз «жон» киритсанг буларди. Уларнинг бирортаси «иссиқ» дегандек кулчани у қулидан бу қулига олса ҳам яхши булармиди...

Тулқин Бердиев билан Умид Облоқуловлар катта синов олди-дан жуда куп марта ана шундай ижодий мулоқотда булган эдилар. Ҳамкорлик уз самарасини берди. Ниҳоят улар кутган кун ҳам етиб келди. Улар Чехия республикасининг Лидица шаҳрида булиб утган «Еш мусаввирлар» кургазмасида уз ишлари билан иштирок этиб совриндор булишди.

БУ — МЕНИНГ ВАТАНИМ

«Америка Қушма Штатларида ўқишни давом эттириш учун курик-танлов эълон қилинади». Фароғат бу хабарни эшитганда танлов голибларининг бири булишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Шундайям «Билимимни синаб оларман» деган ниятда эди. Натижа бошқача булди. Мана энди у ўқишни Америкада давом эттириш учун жунаб кетиш арафасида. «Ватанимдан узокда қандай чидар эканман» уйлади у юраги увишиб. «Ҳадеб уйлайверма уртоқжон Ватанимдан узок-

13 нафар биринчи тоифали ўқувчилар сабоқ беришмоқда. Бундан ташқари 12 та замон талаблари асосида жиҳозланган намунавий хоналар, электрон ҳисоблаш машиналари, лингафон қурилмалари ҳамда бошқа техника воситалари ўқувчилар ихтиёрида. Шунингдек, ошхона, иккита спорт зали, иккита мажлислар зали, кутубхона, стадион бор.

— Лицейимиз Термиз Давлат университети ва Тожикистон тадбиркорлар институти билан шартнома тузган булиб, мазкур олийгоҳларнинг муаллимлари вақти-вақти билан машғулотларга таклиф этилади, — дейди лицей директори Бобораҳим ака Мирзаев. — 1993-94 ўқув йилида ушбу даргоҳни 68 нафар ўқувчи бичириб, улардан 51 нафари ҳозирги кунларда олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Лицейни имтиезли тугаллаган 19 нафар бола Тожикистон тадбиркорлар институтининг «Иқтисод ва ишлаб чиқаришни бошқариш» ҳамда «Молия-кредит» куллиётларига қабул қилинди.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги булмиш болаларни эл-юрт, Ватан учун ҳалол хизмат қилиш руҳида тарбиялашдек масъулиятли вазифани бажараётган лицей ишига ривож тилаймиз.



СУРАТЛАРДА: 1. Лицей директори Бобораҳим Мирзаев. 2. Техник чизмачилик фанидан республика олимпиадаси иштирокчиси Сухроб Раҳматов. 3. Тожик тили фани бўйича республика олимпиадаси иштирокчиси, 10-синф ўқувчиси Хайринисо Субхонова. 4. Инглиз тили фани билимдони, 10-синф ўқувчиси Тўйчи Мелибоев.

«НАЗОКАТ ОНА ЎҚИТКИЧИ»

Ўтган кузда рус тилида сўзлашувчи миллатга мансуб уч ота-она мактаб директорини йўқлаб келди.

— Болаларимизни Назокат опанинг синфига бермоқчимиз, илтимос, агар мумкин бўлса ўша киши ўқитса, — дейишди улар.

Денов шаҳридаги 5-мактаб директори Одилбек Азизов бу сўзлардан жуда қувонди. Чунки бунинг боисини у яхши биларди. Назокат опа

Бўлатова ушбу билим даргоҳида чорак асрдан буён бошланғич синф ўқувчиларга дарс берар, жонқуяр мураббия, олий тоифали ўқитувчи, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси эди-да.

Ўтган ўқув йилида устоз ўқитган 1-синф «иқтидорли синф» номини олиб, «Алифбе»ни уч ой муддат олдин ўзлаштирди. Сўзимиз бошида келтирганимиз уч нафар рус тилида сўзлашувчи миллатга мансуб болалар ҳам Назокат Васиетжоновна синфида таълим олишмоқда.

Суратда: 1-«А» синф кичкинтойлари ўз мураббияларига хона гулларини қандай парвариш қилишаётгани ҳақида гапириб беришяпти.

**Кўш саҳифани
Сайридин ХОЛОВ
тайёрлади.**

*Онажоним — жонажоним,
фарзандига жон бажоним!*

ОНАЖОН

Онам Орифа Мирза қизига...

**Ҳақдан бўлак ҳаммаси ёлгон,
Ҳақиқати — сенсан онажон.**

**Ҳақ яратган мўъжиза аро —
Мўъжизасан — Илоҳий танҳо.**

**Опалардан нолимам асло,
Сенсиз дунё қоронғу аммо.**

**Қабринг аро тентираб ёлғиз,
Ёшлар тўқдим, адоқсиз ҳолсиз.**

**Илоҳий шам нурига зорман,
Абад куйган нолали торман.**

**Шоирингни ўртаган армон —
Ўзингдирсан — она бегумон:**

**Сенсиз ботар ойларим маъюс,
Сенсиз отар тонгларим маъюс.**

**Аршиаъло — жаннат бетакрор —
Бошланадур сендан муқаррар.**


**Юртни босса ганимлар ногоҳ,
Ханжар тутиб этгайсан огоҳ.**

**Фарзанд учун азалий хурлик —
Ҳақдан кейин ўзингсан нурлик.**

**Тожу тахтлар сенсиз самарсиз,
Шаън-шавкатлар шамсу қамарсиз.**

**Ҳақдан бўлак ҳаммаси ёлгон,
Ҳақиқати — сенсан онажон...**

Ўктам ҲАКИМАЛИ.



БУ ДУНЁДА БЎЛСАМ ОМОН...

**Онажоним — интизорим,
Сиз эурсиз номус-орим.**

**Онажоним — қошу кўзим,
Сабрингизга берсин тўзим.**

**Онажоним — сизсиз тирак,
Сиз бердингиз кучли билак.**

Бу дунёда бўлсам омон,

Рангларингиз бўлмас сомон.

**Зухро ЭРГАШЕВА,
Навоий шаҳридаги
Ш. Рашидов номли 10-
мактабнинг
8-«А»синф ўқувчиси.**



ЭЛ АРДОҚЛАГАН АДИБ



Ҳамма чарчаб, дуч келган жойга ён-бошлади. Мен эрталабга нонушта тайёрлаётган ошпазлар ёнига бориб суҳбатлашиб утирдим. Саид Аҳмад аканинг уйқуси келмади шекли, ўзига ҳамсуҳбат излай бошлади. Мавлон Икромни уйғотмоқчи бўлиб олдида бир оз қараб турдида, кейин Эркин Воҳидовнинг ёнига борди:

— Эркин! Эркин, менга қара.

Эркин Воҳидов кўли билан кўзини ишқалаб, бошини кўтарди:

— Нима гап? Тинчликми?

— Ҳа, тинчлик, — деди Саид Аҳмад ака. — Лекин бир нарсани эслай олмаёпман.

— Нима экан?

— Клара Цеткин қачон туғилган эди?

Немис инқилобчиси бўлган бу аёлнинг қачон туғилгани шу пайтда нима учун зарур бўлиб қолганини суриштирадиган мард йўқ эди. Эркин Воҳидов кўзини ишқаб урнидан турди.

— Ҳа-я, қачон туғилган эди, — у ҳам устозга қўшилиб уйлай бошлади. Орадан бир муддат вақт ўтгач, иккаларини ҳам кулиб юборишди. Бу Эркинни уйғотиб, гапга солиш учун бир баҳона эди.

Улар анча гаплашиб утиришди.

Кейин Саид Аҳмад ака Носир Фозиловни уйғотишга жазм қилди. Бунга ҳам чиройли баҳона топилди.

— Носир, ҳей сариқ бола, менга қара!

Носир ака уйқусираб урнидан кўзголдиди:

— Нима гап?

— Тинчлик. Бозорда ҳозир қази неча пул экан, билмадингми?

Заруратни қаранг. Ярим кечада Носир ака қазининг нарҳини қардан билсин?

Шу куни устоз тонг отгунча ҳаммани уйғотиб, кулдириб юрди. Эрталаб эса, ҳеч нима бўлмагандай яна жиддий тус олди-қўйди...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика давлат мукофоти соҳиби Носир Фозилов «Устозлар даврасида» деган китобида Саид Аҳмад акани «бобо» деб атайдиган ва бу сўз бизга оддий туюлса ҳам, аслида уни каттақон унвонга тенглаштиради. Бундан ўн беш йил аввал ёзилган бу китоб шундай бошланади: «Бир маҳаллар севимли газетамиз «Ленин учқуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи»)га кўлида қоғоз-қалами, елкасида фотоаппарати билан мухбирлик қилиб, зир қатнаб юрган жиккакина чаққон йигитча бугун олтимиш (энди етмиш беш) ёшга кириб, Саид Аҳмад бобо бўлиб утирибди».

Абдулла Қодирий этагини тутган, Ойбек, Гафур Гулом, Гулом Зафарий, Хуршид, Элбек каби адиблару шоирлар хизматида бўлиб, қизиқ суҳбатларини эшитган, мулоҳазаларига жон қулогини тутган Саид Аҳмад ака ёшлигида ўз тили билан айтганда «мингта кўчага» кириб чиқади. Рассомликка ўқийди, сурат олади, артистликка қизиқади, шифокор бўлишга ҳам ҳаракат қилиб кўради.

Кейинчалик бу билимлари камлик қилганини сезиб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг адабиёт факультетига кириб ўқийди. У «Ленин учқуни», «Ёш ленинчи» ва бошқа газеталарга ўзи чизган расмларни, фотосуратларни олиб бора бошлади. Кичик-кичик хабарлар ёзиб, газета топшириқларини уташга киришади. Хоразмдаги Тошсоқа, Логон, Фаргона каналларида,

Чирчиқ, Бўзсув, Фарҳод ГЭСларида ишлаб, кичик очерклар ва лавҳалар ёзади, уларда қурувчилар меҳнатини кўрсатиб беради. Шундан сўнг кичик ҳикоялар ёзишга ўтади. «Гафур Гулом ҳикоялари, Уйғун шеърлари «ўқиш китобим» бўлиб қолди, — деб ёзган эди у. — Абдулла Қаҳҳор орқали Чехов домла билан танишдим. Бу икки устоз санъаткор ижоди мени ром қилиб қўйди...» Саид Аҳмад ака 1942 йилда Гафур ака «Тепки» ҳикоясини таҳрир қилиб, кўлидан етаклаб «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига олиб борганини миннатдорчилик билан эслайди.

Эндиликда устознинг қатор ҳажвий ҳикоялари, «Уфқ» трилогияси, «Ҳукм» қиссаси, «Қирқ беш кун» романи, «Келинлар кўзголини» ва «Кувёв» комедиялари ада-

илиқ гапларни айтиб, сўнгра «Отелло»дан монолог ўқиб берди...

Шу пайт Саид Аҳмад ака мени чақириб қолдилар:

— Наримон, бу ёққа кел. Туробнинг яқинига тур, Ҳамидуллонинг ёнига, — дедилар жой кўрсатиб. Уша ерга бориб турдим. Фотоаппарат «чик» этди. Ҳамма ўрнидан туриб, жой-жойига кетди. Хизмат қилиш ниятида чой ташувчилар олдида қолдим. Лекин менга Гафур аканинг тўйида чой ташишга йўл бўлсин экан. Бу ишни ҳам казо-казолар бажаришди-ю, мен эса меҳмон бўлиб утиравдим.

Орадан йиллар ўтиб кетди. Бир куни Саид Аҳмад ака «Гулхан» журнали таҳририятига келиб (мен шу журналда масъул котиб бўлиб ишлардим):

— Мана, сенга ҳам битта қолибди,

«сураткаши Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад», деб мактаниб юрарсан, эҳтиёт қил, бошқа «печатлаб» бермайман, — дея ҳазиллашиб, битта сурат қолдириб кетдилар. Суратнинг биринчи қаторида ўтирганлар (чапдан) Ўзбекистон халқ ёзувчилари Туроб Тула, Абдулла Қаҳҳор ва Гафур Гулом меросини ўрганиш комиссиянинг котиби, ёзувчи ва таржимон Ваҳоб Рўзиматов, иккинчи қаторда тик турганлар каминани камтарин, уша вақтда «Ўқитувчилар газетаси»нинг муҳаррири бўлиб ишлаган Ҳамидулла Қўриқбоев, филология фанлари номзоди, ёзувчи Гани Жаҳонгиров ва шоир Мавлон Икромларни куриб турибсиз.

Ана шу кичкинагина тасвир — етти киши жилмайиб турган суратнинг арзимас тарихи ҳақида уйлар эканман, уни тасвирга туширган Саид Аҳмад акага қайта-қайта миннатдорчилик билдиргим келади, ҳозир орамизда бўлмаган Абдулла Қаҳҳор, Туроб Тула, Ҳамидулла Қўриқбоев ва Гани Жаҳонгировларни худо раҳмат қилган бўлсин дея хотирлайман.

Саид Аҳмад ака туғилган куннинг 75 йиллигини нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда жойлашган давлатларнинг халқлари катта қувонч билан нишонладилар. Биз ҳам шу қутлуғ кунларда устозни болаларча покиза юрак билан астойдил табриклар, омон бўлинг бобо, биз набираларингизни ҳам унутманг, биз ҳам сиз улашадиган кулгудан, ичакузди ҳазиллардан тез-тез баҳраманд бўлишни истаймиз, қани энди сизни ўз газетамиз саҳифасида учрат-сак деймиз.

Назаримда, Гафур аканинг Арпаоя кўчасидаги ҳовлиси фақат тўй учун яратилгандек туюлади. Уша куни шоҳона безатилган дастурхон узра яшнаб турган ранго-ранг гулларни кўрган кишининг бахри дили очилиб кетарди. Бир томонда Тошкентнинг таниқли машшоқлари хониш қилиб, тўйга келганларга завқ бағишлар эдилар. Айниқса, ҳовлининг бир чеккаси янги тахталардан ясалган сури-саҳна диққатни ўзига тортади. Унинг устига чўдек гилам тўшаб қўйилган. Бир вақт Абдор Ҳидоятлов салобат билан саҳна устига чиқиб келди. Олдин Гафур ака шаънига

Наримон ОРИФЖОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. *Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ*
Буқуртма — Г 0253.
11.000 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга тошириш вақти 19.00
Тоширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Телефон: 33-44-25